

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ЭРНАЗАРОВ ДИЛМУРОД ЗУХРИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Эрназаров Дилмурод Зухриддинович

Ўзбекистонда давлат ижтимоий сиёсати самарадорлигини оширишда
нодавлат ноижорат ташкилотларининг роли 3

Эрназаров Дилмурод Зухриддинович

Роль негосударственных некоммерческих организаций в повышении
эффективности социальной политики в Узбекистане..... 17

Ernazarov Dilmurod Zuxriddinovich

The role of non-governmental non-profit organizations in increasing
the efficiency of Uzbekistan's social policy31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....35

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ЭРНАЗАРОВ ДИЛМУРОД ЗУХРИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Siyos13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) университет веб-сайти www.nuu.uz, илмий кенгаш веб-саҳифаси www.sf-ik.nuu.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қўчқоров Ваҳоб Ҳошимович
сиёсий фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Раҳманов Аъзамжон Режапович
юридик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй.Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети “Тарих” факультети биноси, 1-қават, 110-хона.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган).(Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Д.Ташанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фуқаролик жамиятини шакллантириш тадрижий давом этаётган, узлуксиз ва мураккаб жараён бўлиб, бунда нодавлат нотажорат ташкилотларнинг (ННТ) ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ижтимоий соҳада ННТларнинг самарали фаолиятини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш сиёсатшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Давлат бошқаруви органлари ва ННТлар ўзаро ҳамжиҳатлигига эришиш кўп жиҳатдан жамиятдаги турли ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиш ҳамда мамлакатнинг изчил ва барқарор ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш беради. ННТларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлат ва ННТларнинг самарали ҳамкорлиги бўйича Германия, Австрия, Нидерландия, Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея тажрибаларини ўрганиш аҳамиятга молик. Ўзбекистоннинг тараққиёт модели, мамлакатни ислох этиш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, кучли ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган кўп векторли сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Бу сиёсат юртимизни турли салбий жараёнлар ва инкирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ННТлар феномени чорак асрдан бери шаклланиб келмоқда, бироқ уни фанлараро тадқиқотларда ўрганиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Давлат ижтимоий сиёсатининг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида ННТларнинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш илмий тадқиқотларнинг муҳим мавзусига айланди. Шу жиҳатдан мамлакатимизда давлат ва ННТларнинг ижтимоий сиёсат самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион ҳамкорлик механизмларини яратиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Диссертация Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонуни (28.12.2016), “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”си (17.02.2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (04.05.2018), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5270-сон Фармони (11.06.2018) ва шу каби меъёрий ҳужжатлардаги вазифаларни муайян даражада амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг ИТД-2 “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш”нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат ижтимоий сиёсати функцияларининг ривожланиши ва нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий фаровонликни оширишга хизмат қилишдаги иштироқи тўғрисида оид масалалар немис олимлари Э.Хубер¹ (E.Huber), Ф.Вернер² (F.Werner), Х.Браун (H.Braun), М.Ниехаус (M.Niehaus), Б.Вернер³ (B.Weher)ларнинг асарларида кенг ёритилган.⁴

Россиялик тадқиқотчилар М.Б.Горный⁵, И.В.Мерсиянов⁶, А.Ю.Сунгуров⁷ ўз тадқиқотларида ижтимоий сиёсатга давлат ва ННТлар ўртасидаги кооперацион ҳамкорлик механизмлари таъсирини ўрганганлар.

Олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда нодавлат секторининг айнан ижтимоий хизматлар соҳасидаги фаолиятига доир тадқиқотларга А.Ўтамуродов⁸, Ф.Мусаев⁹ Ж.Мавлонов¹⁰, Х.Одилқориев¹¹, Б.Эргашев¹², А.Рахманов¹³, М.Ғуломов¹⁴, М.Шарифхўжаев¹⁵, Ш.Жалилов¹⁶, О.Абдуазимов¹⁷, А.Х.Саидов¹⁸, А.Бегматов¹⁹, А.Жалилов,

¹ Huber E.R. Lorenz von Stein und die Grandlegung der Idee des Sozialstaates. – In: Nationalstaat und Verfassungsstaat. Stuttgart, 1965.

² Werner F. Wandelt sich die Funktion des Rechts im sozialen Rechstaat. 1966.

³ Wehner B. Der neul Sozialstaat: Wollbeschäftigung, Einkommens Gerechtigkeit und Staatsentschuldigung. - Oblagen, 1992.

⁴ Braun H., Niehaus M. Sozialstaat Bundesrepublik Deutschland auf dem Weg nach Europa. Frankfurt am Main; 1990.

⁵ Горный М.Б. Взаимодействие некоммерческих организаций и органов власти: сравнительный анализ законодательства [Электронный ресурс] // Журнал исследований социальной политики: офиц. сайт. URL: http://jsps.hse.ru/data/2012/01/22/1263791885/Gorniy_Vzaimodeistvie_NKO.pdf.

⁶ Краснопольская И.И., Мерсиянова И.В. Трансформация управления социальной сферой: запрос на социальные инновации // Вопросы государственного и муниципального управления. - 2015. - № 2. - С. 29-52;

⁷ Сунгуров А.Ю. Модели взаимодействия органов государственной власти и структур гражданского общества: российский опыт [Электронный ресурс] // Научно-культурологический журнал: офиц. сайт. – 2008. URL: <http://www.relga.ru/Environ/WebObjects/tgu-www.woa/wa/Main?textid=2204&level1=main&level2=articles>

⁸ Ўтамуродов А., Хасанов Р. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Услубий қўлланма. ЎзМУ. – Т.:2016. – 224.

⁹ Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Т.: Ўзбекистон. 2007. – 272 б.

¹⁰ Мавлонов Ж.Фуқаролик жамиятига оид замонавий концептуал дискурсининг асосий йўналишлари (ижтимоий – фалсафий таҳлил)”. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2017.

¹¹ Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002.

¹² Эргашев Б. “Фуқаролик Жамияти – Гражданское Общество – Civil Society” журнали Бош муҳаррири.

¹³Рахманов А. Гражданское общество: достижения, проблемы, перспективы: учебное пособие. – Т.: Akademiya, 2007.

¹⁴ Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. –Т.: Адолат, 2003.

¹⁵ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: Шарқ, 2003.

¹⁶ Жалилов Ш. Фуқаролик жамиятининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

¹⁷ Абдуазимов О. Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари. – Т.: Akademiya, 2008.

¹⁸ Саидов А.Х. Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироқи масалалари бўйича халқро тажриба. - Тошкент. – 2012. 539 Б.

У.Мухаммадиев, Қ.Жураев²⁰, Т.Б.Матибоев²¹, Э.Салихов²², В.Қўчқоров²³, Ф.Х.Набиев²⁴, С.Норқулов²⁵ каби олим ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишларини киритиш мумкин

Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш давлатнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун давлат органлари қаторида бизнес субъектлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга масъулдирлар.

Фикримизча, давлатнинг ижтимоий сиёсатида ННТлар иштироки гуманитар фанлар кесимида ўрганиш тақозо қилинади. Чунки, давлат ижтимоий сиёсатининг кўп векторли йўналишдир. Унинг марказида инсон ва унинг манфаатлари ётади. Ушбу масалага фақат битта фан нуқтаи назаридан ёндашиш муаммонинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий тадқиқот иш режасининг “А-1-087. ОАВ ва жамоатчилик назоратини шакллантиришга доир давлат сиёсати:тамойиллари, ривожланиш босқичлари, истиқболи” мавзуидаги амалий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг трансформациясига нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсири, уларнинг ижтимоий хизматлар соҳасидаги фаолиятини функционал танқидий-таҳлилий жиҳатдан ўрганиш ва самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“ижтимоий сиёсат” ва “нодавлат нотижорат ташкилотлар” тушунчаларига доир сиёсий қарашлар, назариялар ва фикрларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, тизимлаштириш;

давлат ижтимоий сиёсатида ННТлар иштирокига доир методологик, назарий ва амалий тажрибаларни тизимлаштириш, ННТларнинг ижтимоий соҳадаги иштирокининг шакллари, усуллари ва механизмларини аниқлаш;

ижтимоий хизматлар бозори сегментини ривожлантиришда ижтимоий шериклик тамойилининг амалиётда қўллашнинг самарали механизмларини

¹⁹ Бегматов А. Ижтимоий шериклик. Т.: “Шарқ” 2015. 215 б.

²⁰ Жалилов А., Мухаммадиев У., Жураев Қ. Фуқаролик жамияти асослари (ўқув қўлланма). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури. – Тошкент. – 2015. 235 б.

²¹ Матибоев Т.Б. Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик тизими: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари. Т.: 2014. 250 б.

²² Салихов Э. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши. – Тошкент: Vaktoria press, 2014. –Б.229.

²³ Қўчқоров В. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилишнинг ғоявий-сиёсий асослари. Т.: “Akademiya”. 2014.185 б. Ахмедов Х, Қўчқоров В. Қарияларни қадрлаган юрт буюқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси. - Т.: Akademiya, 2013 -98 б.

²⁴ Набиев Ф.Х. Ижтимоий назорат. - Самарқанд. 2015. 220 б.

²⁵ Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. Монография. / Сухроб Дўстмуратович Норқулов.– Тошкент: «Navro'z», 2015.– 190 б

ишлаб чиқиш;

давлат ижтимоий сиёсатини юритиш ҳамда аҳолига ижтимоий хизматларни етказиб беришда ННТлар иштирокининг қонуниятларини таҳлил қилиш, давлат ижтимоий сиёсати самарадорлигини оширишда хорижий тажрибанинг роли ва аҳамиятини илмий асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон ижтимоий сиёсатида давлат ва ННТларнинг ҳамкорлиги.

Тадқиқотнинг предмети давлат ва ННТлар ўртасидаги ҳамкорликнинг характери, давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишда ННТлар иштирокининг механизм, восита ва усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, эмпирик кузатув, социологик сўровнома усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

ижтимоий сиёсатда номарказлашув жараёнининг тезлашуви вертикал ва горизонтал муносабатлар тизимидаги прогрессив ва регрессив ўзгаришлар юз бериши исботланган;

аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда ижтимоий шерикликнинг трипартизм шаклидан келгусида “полипартизм” шаклига ўтилиши ҳамда консенсус манфаатлар муовзанатининг энг мақбул воситаси экани очиб берилган;

ННТларнинг ижтимоий сиёсатда фаол иштирок этиши давлатнинг петерналистик функцияларини минималлашувига олиб келади. Ижтимоий инновациялар ННТларнинг давлат билан самарали ҳамкорлигини таъминлаши асослаб берилган;

ижтимоий муҳофазанинг янги тизимида ижтимоий хизматлар бозори сегментациясининг шаклланиши, ижтимоий сиёсатнинг либераллашуви, жамиятда ўта қашшоқликни тугатиш ва кам таъминланган аҳоли сонини кескин камайтириши каби ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янги моделларини ишлаб чиқишда ННТларнинг хорижий тажрибага таяниши зарурлиги аниқланди.

ННТларнинг ижтимоий инновациялари ижтимоий инқирозларга қарши курашнинг энг самарали воситаси эканлиги ҳамда барча ривожланган давлатларда ижтимоий инновациялар ёрдамида ёшлар орасида ишсизликни камайтириши, ёшларнинг ижтимоийлашувини таъминлаши, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита таъсир қилиши илмий асослаб берилган.

Давлат ижтимоий сиёсатида ННТлар самарали иштирокининг мезонларини яратиш орқали икки субъектнинг ижтимоий сиёсат масалаларида манфаатларининг туташ нуқтасини топиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилашга ёрдам бериши аниқланди.

Давлат томонидан ННТлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг замонавий усулларига оид амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий-назарий, эмпирик ва методологик асосларидан таълим тизимида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, диссертациянинг илмий асосланган хулоса, таклифлари давлат ижтимоий сиёсати ва бошқарувини амалга оширувчи ваколатли органлар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари учун тавсия қилинади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда давлат ижтимоий сиёсати самарадорлигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

ННТларнинг ижтимоий хизматлар соҳасидаги ижтимоий инновацияларни ишлаб чиқиш, уларнинг кўплаб ваколат, мажбуриятларга эга бўлиши ва давлат, бизнес вакиллари билан рақобат қила олиши ҳақидаги хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси депутатлари томонидан “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини ишлаб чиқилишида фойдаланилган (04/5-05 948 - сонли Далолатномаси). Мазкур Қонун лойиҳасида “ижтимоий хизматлар” тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб берилишига хизмат қилган ҳамда ННТлар фаолияти, мажбуриятлари, ваколатларига аниқлик киритилган.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ННТлар фаолиятига волонтерларни кенг жалб қилиш ва уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш; ННТларнинг ОАВ вакиллари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш; хусусий секторнинг “ижтимоий масъулиятини” янада ошириш юзасидан берилган амалий таклифлар инobatга олинди. (10.11.2017 й. №04-06/390-01 сонли Далолатномаси). Натижада, Ўзбекистонда “волонтерлик” тушунчасини тарғиб қилиш, ёшларни волонтерлик фаолиятига кенг жалб қилиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уюлмаган ёшлар билан ишлашни ташкил этиш, улар учун махсус мотивациялар ишлаб чиқиш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали кўмакка муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионер, ногиронлар, имконияти чекланган

шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялардан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Маркази томонидан фойдаланилди. (11.12.2017 й. 02-01/1082 - сонли Далолатномаси). Берилган таклифлар маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг замонавий механизмлари, усулларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 10 та мақола республика конференцияси, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби мундарижа, кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ижтимоий сиёсатидаги ролининг назарий-методологик таҳлили”** деб номланган биринчи бобида “нодавлат нотижорат ташкилотлари” тушунчасининг мазмун-моҳияти, уларнинг ижтимоий-сиёсий характери ва ижтимоий сиёсатга таъсири тадқиқ этилган.

Жамиятда кўп сонли ННТларнинг фаолият юритиши фуқаролик жамиятининг тўлақонли шаклланишини сиёсатшуносликда тарихий ёндашув асосида ўрганишга олиб келади. Давлат билан ННТларнинг ҳамкорлик қилиши биринчидан, тадрижий ривожланиши тарихий жараёнлар асосида ўрганилиши мантиқий жиҳатдан тўғри. Бу, ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг узлуксиз трансформациясини таъминлайди. ННТлар, бир томондан, давлатнинг сиёсий қарорларни қабул қилишида бевосита иштирок этиши, иккинчи томондан, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий маданияти, жамиятининг ҳаётида фаол иштирокини таъминлашини қонуният сифатида ўрганишни тақозо этади.

Ижтимоий сиёсатда ННТлар белгиланган мақсадларга эришишда замонавий услубларидан ташқари тегишли қонунчилик ва маъмурий-

ташкилий тузилмалар вужудга келтирилишини тақозо этади. Бу сиёсий тизимни либераллаштириш, модернизациялаш ва демократлаштиришни талаб қилади. Жамиятдаги сиёсий кучлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида консенсусга эришиш, ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш ҳар қандай сиёсий тартибот шароитида ҳам ижтимоий сиёсатни тўғри, изчил ҳамда самарали юритиш имконини беради. Шунингдек, ННТлар жамиятда фуқароларнинг ижтимоий зўриқишлари ва инқирозларни бартараф этишга кўмаклашади.

ННТларнинг ижтимоий сиёсатдаги иштирокига доир турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, ижтимоий сиёсат самарадорлигини оширишда ННТлар ўзини ўзи ташкиллаштириш функцияларининг янада ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистон аҳолисининг демографик ўсиш тенденциясини инобатга олган ҳолда ННТлар сонини кўпайтириш, улар фаолиятини янада кенгайтириш, қўшимча ваколат ва имкониятларни бериш жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий тангликнинг олдини олади. ННТлар ижтимоий хизматлари турларининг кўплиги тизимнинг жадал равишда ривожланишига олиб келади.

Фуқаролар ташаббускорлиги кўп ҳолатларда давлат сиёсатининг усуллари, воситалари ҳамда мақсадларининг ўзгаришига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, демократиянинг ўзига хослиги ҳам фуқароларнинг давлат ҳокимиятининг вертикал ва горизонтал тузилмаларига бевосита таъсир қилиш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади. Фуқароларо фаоллиги сиёсий институтлар, ташкилотлар, ОАВларнинг таъсири натижасида шаклланади.

Давлат ички сиёсатида фуқароларнинг жамовий тузилмалари: сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамоат ташкилотлари, клублар, ассоциациялар, бирлашмалар, ижтимоий ҳаракатларга бирлашиши ва давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишидан манфаатдор.

Фуқароларнинг давлат сиёсий қарорларига нисбатан у ёки бу муносибатини билдириши қонуний характерга эга. Шунинг учун ҳам ННТларнинг асосий вазифаларидан бири бу фуқароларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашдан иборат. Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштироки – давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг соғломлигидан далолат беради. Фуқаролар фаоллиги ҳар бир инсонда компетентликни шакллантиради. Ўз навбатида, барча инсонларда ҳаёт фалсафаси, фуқаролик позицияси, ички ахлоқий-сиёсий нормалари, қарашларини шакллантиради.

Халқаро ва маҳаллий ННТлари жамиятнинг ижтимоий қатламлари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасида воситачи ролини ўйнайди. Давлат сиёсатидаги ўзгаришларни жадаллаштириш ҳамда муҳтожларга ёрдам кўрсатишда, умумий манфаатларни кўзлаш, илгари суриш ва ҳимоя қилиш хилма-хил фаолият турлари орқали амалга оширилади. Халқаро ва маҳаллий ННТларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, давлатнинг демократик тамойиллар асосида ривожланишини таъминлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда ННТлар иштирокининг асосий йўналишлари ва усуллари”** деб номланади. ННТлар фаолиятининг юксак ривожланган тизими жамиятда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари уйғунлигини қарор топтириш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундай тизим давлат бошқаруви органлари тузилмаларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳалардаги фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи таъсирчан восита вазифасини бажаради. ННТлар турлари ва сонининг ортиб бориши давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишда акторларининг миқдори ва сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Ижтимоий сиёсат акторлар фаолиятида турли янги йўналишлар пайдо бўлади. Бу эса, турли аҳоли қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг замонавий инновацион усуллари ва механизмлари ишлаб чиқилишига олиб келади.

Ижтимоий хизматлар бозорининг ривожланиши секторлар орасидаги ижтимоий шериклик тамойилларининг мустаҳкамланиши, ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилиши, фуқароларнинг ўзаро муносабатларининг чуқурлашиши ва ахборот айланишини янада тезлаштиради. Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар бозорини ривожлантиришда ижтимоий шериклик асосига қурилган муносабатлар муайян йўналишда бўлиши, локал хусусиятга эгаллиги, ўзига хос ёндашув, механизмлар ва воситаларнинг бўлишини талаб этади. Шу ўринда барча сектор вакиллари манфаатларининг туташ нуқтасини топиш муҳимлиги кўрсатилди.

Мамлакатимизда ижтимоий хизматлар бозори сегментациясининг юз бериши табиий ҳоллиги, сегментация жараёнининг юз бериши натижасида ижтимоий хизматлар турлари, субъектлари ва уларнинг вазифа, мажбуриятларини янада аниқроқ бўлиши илмий асослаб берилди. Сегментациянинг асосий мақсади - бу ижтимоий хизматларнинг манзиллилигини таъминлашга қаратилганлиги аниқланди. Бундай сегментация ҳодисаси ижтимоий давлат тизими учун жуда муҳимдир. Ижтимоий хизматлар бозорида ижтимоий шериклик тамойилларига таянилиши ҳеч бир субъектнинг монополияга айланишига йўл қўймайди.

Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар бозорининг шаклланишида ижтимоий шерикликнинг бипартизм тизимига таянилмоқда. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, давлат ижтимоий сиёсатини “давлат-бизнес-нодавлат” секторлар вакиллари тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширади. Ижтимоий шерикликнинг трипартизм шакли умумжаҳон қабул қилинган андоза ҳисобланади.

Давлат ижтимоий сиёсати бошқарувида ННТлар томонидан қўлланилган ва самарадорлиги аниқланган инновацияларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги назарий жиҳатдан асослаб берилди.

Фуқароларнинг ташаббуслари ҳамиша “инновациялар”нинг ажралмас қисми бўлган. Мамлакатимиз ННТлари томонидан аҳолимиз, айниқса, уюшган ва уюшмаган ёшларимиз онгида инновацион ғояларни

ривожлантиришдаги иштирокини таъминлашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Манфаатдор давлат органларининг ижтимоий соҳада ННТлар билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланаётгани амалда исботланди.

Ижтимоий инновациялар фуқароларнинг секторлараро ҳамкорлигида бевосита иштирок этишини таъминловчи воситадир. ННТлар фуқароларнинг инновациялар ҳақидаги тушунчалари, қарашлар ва фикрларини тубдан ўзгартиради ва уларни инновациялар иштирокчисига айлантиради.

2017 йилнинг 19 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бораётганлиги, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Булардан кўзланган мақсад - “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат эканлиги маълум бўлди²⁶. Демак, бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни турли ижтимоий фойдали ишларга, инновацион лойиҳаларга жалб қилиш борасидаги давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини ривожлантириш зарурият эканлиги маълум бўлмоқда.

Ёшларни инновацион ижтимоий лойиҳаларга жалб қилишда уларнинг инновацион тафаккур шаклини ўзгартириш талаб қилинади. Инновацион тафаккур бу – муаммонинг ечимига қаратилган зарурий билимларни излаш, тизимлаштириш ва амалий ечимини топишга қаратилган илмий фаолиятдир. Ижтимоий инновациялар ижтимоий кризисларга қарши курашнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Барча ривожланган давлатларда ижтимоий инновациялар ёрдамида ёшларнинг орасида ишсизлик, ёшларни ижтимоийлашуви, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бошқа долзарб муаммолар ҳал қилинади.

Диссертациянинг **“Давлат ва ННТларнинг ижтимоий сиёсатни амалга оширишдаги ўзаро ҳамкорлиги: ҳолати ҳамда истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида давлат ижтимоий сиёсатининг номарказлаштириш мураккаб, комплексли воқелик эканлиги асослаб берилган. Уни ташкил қилувчи элементлари ННТ вакилларининг билим, тажриба ва саводхонлик даражасини ошиб бориши билан узвий боғланган. Давлат ижтимоий сиёсатининг номарказлашувида субъектив вазият, яъни фуқаролар фаоллиги, уларнинг туб ўзгаришларга тайёрлиги, давлат ва ННТлар ҳамкорлигини янада такомиллаштиришдаги амалий иштирокисиз амалга ошмайди.

Давлат ижтимоий сиёсатининг номарказлашуви ҳодисасининг яна бир муҳим жиҳати – унда давлат бошқаруви тизимининг табиати, тартиботи, бошқаруви усули демократик ўзгаришларга тайёрлиги билан узвий боғланган. Ижтимоий сиёсатда ҳар бир давлат ўзига хос сиёсий йўналиш ва

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 19.09.2017. Нью-Йорк шаҳри // www.uza.uz.

тамойилларга таянади.

Илмий тадқиқотларда давлат ижтимоий сиёсатининг номарказлашуви ҳодисаси ривожига баҳо берган ҳолда, асосан, икки йўналишда намоён бўлмоқда:

оптимистик йўналиш давлат ижтимоий сиёсатининг номарказлашувида ННТларнинг иштироки табиий бўлиб, у қонуният сифатида баҳоланмоқда. Бунда давлатнинг ННТлар билан ижтимоий соҳадаги ҳамкорликнинг кучайиши ижобий натижаларга олиб келади.

пессимистик йўналиш - бозор иқтисодиёти шароити ва ўтиш даврида давлат ва ННТлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларнинг кучайиши, улар орасидаги тафовутнинг ортиши натижасида кўплаб муаммолар юзага келиши алоҳида таъкидланади. Бунда давлат барча ваколатларни ўз қўлида сақлаб қолиши натижасида, ННТларнинг норозилигига сабаб бўлиши салбий оқибатларга олиб келишига ишора қилинади. ННТлар томонидан турли “рангли инқилоб”ларнинг келиб чиқиш хавфи ортиши айтилади.

Давлат ижтимоий сиёсатининг номарказлашуви “учлик” призмаси (давлат сиёсати, давлат бошқаруви органлари ва ННТлар) орқали вужудга келади. Ижтимоий сиёсатнинг номарказлашувида ННТлар фаолиятининг жадал ривожланиши ўта мураккаб жараён бўлиб, унда турли субъектларнинг манфаатлари тўқнашуви юз беради.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишда ННТларнинг иштирок этиши муайян давлатни жаҳон ҳамжамияти томонидан оқилона ижтимоий сиёсат олиб боришининг эътироф этилишига олиб келади. Ўз ўрнида, ННТлар давлат ижтимоий сиёсатининг янги истиқболли йўналишларини танлаш; амалга ошириш механизмлари ва воситаларини ишлаб чиқиш, ижтимоий сиёсат юритишнинг “миллий модели” яратилиши ҳамда трансформациялашувини таъминлайди.

Бугунги кунда ННТлар ижтимоий муаммоларни ҳал этиши, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан манзилли қўллаб-қувватланиши ҳамда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда иштирок этиши яққол намоён бўлмоқда. ННТлар халқни бирлаштирувчи, ижтимоий ҳимояловчи, тарбияловчи ва бошқа кўп функцияларга эга бўлган мукамал механизмли ташкилот сифатида намоён бўлди. Аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини ҳимоя қилишда “Маҳалла” институти ва ННТлар ролининг кучайтирилиши ушбу йўналиш хусусиятига айланди. ННТларнинг аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос миллийликка асосланган самарали тизими яратилди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларига кўмак бериш орқали фуқаролар турмуш шароити, осойишталигини ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг кафолати, аҳолининг энг кам даромадли қатламларига – ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга, яъни иқтисодий ўтиш шароитида қийин

аҳволга тушиб қолган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий йўналиши сифатида шаклланди. Манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг мутлақо янги замоний тизими яратилди. Ушбу тизимнинг шаклланишида ННТларнинг ўрни бекиёс бўлди.

Ислохотнинг турли босқичларига ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос қоидалари мос келади. Ўз навбатида, ННТлар ҳам шу қоидаларга амал қилади ва маълум вақт ўтгач ижтимоий сиёсатнинг мазмун-моҳияти, йўналиши ва истиқболларини белгилашга бевосита таъсирини ўтказади. Ижтимоий сиёсат ва уни рўёбга чиқариш чора-тадбирлари умуман иқтисодий ислохотлар билан шунчаки қўшиб олиб борилмасдан, балки уларнинг узвий таркибий қисми бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий ислохотлар тизимида қатнашувчи асосий субъектларнинг мавқеини тубдан ўзгартириш талаб қилинади.

Ижтимоий ислохотлар тизимида ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, фуқароларнинг ижтимоий аҳолини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишда давлат бошқаруви органлари билан бир қаторда ННТларнинг кенг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади²⁷. ННТлар ижтимоий ислохотлар тизимида аҳолининг психологиясини ўзгартириш жуда муҳимдир. ННТлар ижтимоий ҳимоялашнинг пассив объектидан, прогрессив шахсга айлантиришда давлатнинг яқин ҳамкорига айланди.

Ижтимоий сиёсатнинг устувор жиҳатлари, аҳолига ижтимоий мадад бериш ва уни ҳимоя қилиш чоралари ҳам ўзгариб боради.

Ҳар бир босқичда давлатнинг ижтимоий сиёсати ва ислохотлари бутун аҳолининг ҳаётини таъминлайдиган амалдаги тизимни сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасининг пасайиб кетиши, оммавий равишда қашшоқлашишига, умумий ишсизликка йўл қўймасликдан иборат.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда уни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш ва замон талабларига мослаштиришда ННТларнинг салоҳиятидан фойдаланиш муҳим.

ХУЛОСА

Давлат ижтимоий сиёсати самарадорлигини оширишда ННТларнинг ролини ошириш борасида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. “Нодавлат ноижорат ташкилотлари” тушунчаси сиёсий фанларнинг категориал аппарат тушунчасига айланди. Ўзбекистонда ННТлар феномени чорак асрдан бери шаклланиб келмоқда, бироқ уни фанлараро тадқиқотларда ўрганиш масаласи долзарблигича қолмоқда.

2. Фуқаролар фаоллиги кўп ҳолатларда давлат сиёсатининг усуллари, воситалари ҳамда мақсадларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, демократиянинг ўзига хослиги ҳам фуқароларни давлат ҳокимиятининг вертикал ва горизонтал структураларига бевосита таъсир

²⁷ Мкртчян К.М. Социальные услуги как фактор повышения качества жизни населения // Отечественный журнал социальной работы, - 2007, № 4.

қилиш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади. Фуқаролар фаоллиги сиёсий институтлар, ташкилотлар, ОАВларининг таъсири натижасида шаклланади.

3. Мамлакатимизда ижтимоий хизматлар бозори сегментациясининг юз бериши табиий ҳоллиги, сегментация жараёнининг юз бериши натижасида ижтимоий хизмат турлари, субъектлари ва уларнинг вазифа, мажбуриятлари янада аниқ намоён бўлади.

4. ННТлар фуқароларнинг инновациялар ҳақидаги тушунчалари, қарашлар ва фикрларини тубдан ўзгартиради ва уларни инновациялар иштирокчисига айланади.

5. ННТлар давлатнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини чекка ҳудудларга етиб бориши ҳамда ҳаётга жорий қилинишида амалий ёрдам бермоқда. ННТларнинг аҳоли учун ижтимоий хизмат турларининг кўпайиши жамиятнинг турли иқтисодий ларзаларга, инқирозларга нисбатан таҳдидбардошлигини оширади.

6. ННТлар фуқаролар ижтимоий фаолигининг турли моделларини ишлаб чиқади ва уни институционалашуви даражасига олиб чиқади. Натижада, муайян сиёсий жараёнда ижтимоий сиёсатнинг номарказлашувига олиб келади.

7. Ижтимоий соҳани бошқаришда ўзаро бир-бирини тийиб туриш тамойилини амалга ошириш ҳамда ННТларни жамоат назоратини амалга оширишнинг муҳим субъектлари сифатида намоён бўлади. Жамоат назорати давлат бошқаруви органлари фаолиятидаги коррупция, бюрократизм, ноҳолислик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таъмагирлик, адолатсизлик ва бошқа иллатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.29.08.2017.S.01.08
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**АКАДЕМИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ЭРНАЗАРОВ ДИЛМУРОД ЗУХРИДДИНОВИЧ

**РОЛЬ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ
ОРГАНИЗАЦИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ГОСУДАРСТВЕННОЙ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за № В2017.1.PhD/Siyos13 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на двух (узбекском, русском) языках размещен на веб-сайте университета по адресу www.nuu.uz, на веб-странице по адресу Научного совета www.sf-ik.nuu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Кучкаров Вахоб Хошимович**
доктор политических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Джураев Нарзулла Косимович**
доктор политических наук, профессор
Рахманов Аъзамжон Режапович
доктор юридических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский химико–технологический институт**

Защита диссертации состоится «__» «_____» 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней № DSc.29.08.2017.S.01.08 при Национальном университете Узбекистана по адресу 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Здание факультета «История» Национального университета Узбекистана, 1 этаж, 110-аудитория. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №__). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 1 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(протокол рассылки №__ от «__» _____ 2018 года)

Ш.И.Пахрутдинов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор полит. наук, профессор

А.Д.Ташанов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD)

А.Г.Муминов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор полит. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Формирование гражданского общества в мире является эволюционно непрерывным и сложным процессом. Повышается роль и значение негосударственных некоммерческих организаций (ННО) в определении и реализации перспектив поэтапного реформирования и модернизации происходящих в стране общественно-политических и социально-экономических процессов. С этой точки зрения организация, координация и управление эффективной деятельностью ННО в социальной сфере является одной из актуальных проблем политологии.

Обеспечение взаимодействия органов государственного управления и ННО во многом создает необходимые условия для предотвращения социальных конфликтов, а также для последовательного, стабильного развития страны.

Всесторонняя поддержка институтов гражданского общества, координация их деятельности, изучение их эффективного сотрудничества на основе опыта таких развитых стран, как Австрия, Великобритания, Германия, Франция, Нидерланды и Южная Корея, является одной из важнейших задач исследования. Эти страны характеризуются созданием инновационного механизма отношений государства с ННО, направленного на повышение эффективности социальной политики.

Модель развития Узбекистана, проводимая политика модернизации, технического и технологического перевооружения страны, диверсификации и реформирования экономики, укрепления системы сильной социальной политики дают сегодня свои результаты. Эта политика служит прочным и надежным средством защиты от влияния различных негативных социальных процессов и кризисов.

Вот уже четверть века в Узбекистане формируется и развивается феномен ННО. Однако, исследование данного феномена на междисциплинарном уровне все еще остается актуальным вопросом. Усиление роли и значения ННО в социальной политике государства и укрепление их взаимодействия с государственными органами управления стали важной темой научных исследований.

Актуальность темы диссертации с точки зрения сегодняшнего дня определяется принятием ряда важных актов законодательства, в частности, Закона Республики Узбекистан «О социальных услугах для престарелых, инвалидов и других социально уязвимых категорий населения» (28.12.2016), Указов Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям в 2017-2021 гг.» (17.02.2017), «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны» (04.05.2018), Постановления Президента Республики Узбекистан «Об организационных мерах по стимулированию обеспечения занятости социально уязвимых слоев

населения».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике ИТД-2. «Дальнейшее углубление демократических реформ, формирование гражданского общества, разработка научных основ модернизации и либерализации национальной экономики».

Степень изученности проблемы. Вопросы развития функций социальной политики государства, участия и роли ННО раскрыты в трудах таких немецких исследователей, как: Э. Хубер¹ (E. Huber), Ф. Вернер² (F. Werner), Х. Браун (H. Braun), М. Ниехаус (M. Niehaus), Б. Вернер³ (B. Wehner)⁴.

Российские исследователи М.Б. Горный⁵, И.В. Мерсиянов⁶, А.Ю. Сунгуров⁷ в своих исследованиях изучали влияние на социальную политику механизмов кооперационного сотрудничества государства с ННО.

В Узбекистане проблемам анализа и влияния ННО на социальную политику посвящены работы таких ученых, как А. Бегматов⁸, А.Х. Саидов⁹, А. Жалилов, А. Утамуродов¹⁰, У. Мухаммадиев, К. Жураев¹¹, Ф. Мусаев¹², Т.Б. Матибоев¹³, Ж. Мавлонов¹⁴, Х. Одилқариев¹⁵, Б. Эргашев¹⁶, А.

¹ Huber E.R. Lorenz von Stein und die Grandlegung der Idee des Sozialstaates // Nationalstaat und Verfassungsstaat. Stuttgart, 1965. P. 34-35.

² Werner F. Wandelt sich die Funktion des Rechts im sozialen Rechstaat. 1966.

³ Wehner B. Der neul Sozialstaat: Wollbeschäftigung, Einkommens Gerechtigkeit und Staatsentschuldigung. Oblagen, 1992.

⁴ Braun H., Niehaus M. Sozialstaat Bundesrepublik Deutschland auf dem Weg nach Europa. Frankfurt am Main, 1990.

⁵ Горный М.Б. Взаимодействие некоммерческих организаций и органов власти: сравнительный анализ законодательства [Электронный ресурс] // Журнал исследований социальной политики: офиц. сайт. URL: http://jsps.hse.ru/data/2012/01/22/1263791885/Gorniy_Vzaimodeistvie_NKO.pdf

